

Мўмин мўминга биродардир



15:53 / 08.02.2023 1764

Аллоҳ таоло Қуръони Каримнинг Хужурот сурасининг 10-оятида: **«Албатта, мўминлар биродардирлар...»** деб марҳамат қилган. Ҳар бир мўмин Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларига биноан бир бино каби бир-бирлари билан мустаҳкам боғланишлари керак. Бир-бирларига ҳар томонлама ёрдам ва кўмакка шошилишлари, ғам-ташвишларига шерик бўлишлари лозим. Бу дунё имтиҳон, синов дунёсидир. Аллоҳ бандаларини турли ҳолатлар билан имтиҳон қилади. Жумладан, бугун мусулмонлар, қўшнилари бошига тушган ташвиш, мусибатга бепарво бўлмаслигимиз керак. Ўз ташвиши, иш-рўзғор юмушлари билан бўлиб, атрофдаги воқеаларга эътиборсиз бўладиган кишилар тоифасидан ҳам ёмони бировнинг бошига тушган мусибат учун устидан куладиган, воқеа-ҳодисалар юзасидан калта фикр қиладиганлар ҳам йўқ эмас. Албатта, барча ишлар Аллоҳ таолонинг тақдири ва иродаси билан бўлади. Лекин бу илоҳий тақдир натижасида мусибатга учраганларга ёрдам қўлини чўзиш, ҳақиқий, комил мусулмонлигини намоён этади. Айниқса, бугун қардош халқ, миллионлаб мусулмонлар истиқомат қиладиган Туркия диёри ва бошқа минтақаларнинг бир неча шаҳарларида рўй берган zilзилада минглаб инсонлар вафот этди. Бир неча ўн минг одамлар эса жароҳатланиб шифохоналарга ётқизилдилар, биноларга шикаст етди.

Берилган маълумотларга кўра, 2023 йил, 6-февраль ярим тунда рўй берган

Туркия жануби-шарқидаги кучли зилзила қурбонлари сони бугун 4 мингдан ошди. Қардош юрт аҳли, мусулмонлар бошига тушган бу мусибатдан фойдаланиб, баъзи ғарб маълумотларида нохолис маълумот ва хабарлар бераётганлар, салбий фикрлар билдираётганлар ҳам топилди. Ўзини инсон санаган ҳар бир киши соф инсонийлик нуқтаи назаридан ҳамдард ва мадад қўлини чўзиши лозим.

Алоҳида эътироф этиш жоизки, юртимиздаги тинч ва осуда ҳаёт, фаровонлик Аллоҳ таолонинг биз мусулмонларга берилган энг азиз ва бебаҳо неъматларидандир. Бугун бутун дунё мусулмонлари офат келган, мусибат билан синалаётган турк халқи, мусулмон биродарлари ҳаққига масжидларда Қуръони Карим хатмларини бағишлаб, дуолар қилишмоқда. Дунёдаги турклар эса юртига ёрдам бериш мақсадида ўзаро жипслашмоқда. Биргина АҚШдаги турк диаспораси Туркия жанубида кенг кўламли вайронагарчиликларга олиб келган, минглаб одамлар ҳалок бўлган ва вайроналар остида қолиб кетган катта зилзила оқибатларини тугатиш учун уч миллион долларлик ёрдам сафарбарлигини бошлаб юборган.

Азиз биродарлар, мусулмонлар бошига тушган бундай синов, мусибат пайтида ўзаро бирдам бўлайлик. Зилзилада вафот этган инсонлар учун дуода бўлайлик. Бу мусибатда ҳалок бўлганлар Аллоҳ таоло шаҳидлик мақомини насиб этсин.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Шаҳидлар бештадир: вабода ўлган, қорин касаллиги билан ўлган, сувга ғарқ бўлиб ўлган, қулаган нарсанинг остида қолиб ўлган ва Аллоҳнинг йўлида шаҳид бўлганлар», деганлар.

Имом Бухорий ривояти.

Табиий офатлар – зилзила, кўчкилар, сув тошқинлари Аллоҳнинг синовидир. Бундай синов бошига тушган кишиларга ҳамдардлик билдириш, табиий офат оқибатида вафот этган дин қардошларимизни эслаш, уларнинг ҳақига хайрли дуолар қилиш мусулмон киши зиммасидаги бурчдир.

**«Qur'on TV» илмий-маърифий онлайн телеканали бош раҳбари
Абдуҳаким қори Матқулов**